



# СССР ҲАМ ҲАММИЗ САФАРБАРМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 258 (17.242)

II ноябрь 1978 йил, шанба

Баҳоси 2 тибин.

## ТЕРИМДА ЖАСОРАТ ВА УЮШҚОҚЛИК К УРСАТАЙЛИК!

### ҲАММИЗ САФАРБАРМИЗ

Колхозимиз давлатга 5870 тонна пахта етказиб бериб, халқ хўжалик планини райо-нда қўйинчи, областда биринчи бўлиб бажарди. Биздан кейин яна 5-6 хўжалик галаба рапорти берди. Бирок шундан айниш керакми, ўтган йили бу давлат фақат бозор хўжаликларига эмас, балки қатор районлар, хатто, областимиз ҳам пахта тайёрлашда мисли қўрилмаган галабаларга эришган эди.

Е бу йил Хоразмда пахта яхши бўлмади? Бундай де-йишга асос йўқ. Ҳосил мўлчилиги учун колхозимиз, юқорида айтилганидек, 5870 тонна пахта тайёрлади. Ҳосил бор, лекин кечиктирилди. Айни шу кезде табиат яна ўзгарди қилиб, ёғингарчилик бошланди. Лекин ҳеч ким қийинчиликлар олдида саросимага тушаётгани, ваҳимага берилаётгани йўқ. Аксинча, маҳкам жипслашиб, юксак социалистик мажбуриятларини бажариш бўлиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишти. Хоразмлик деҳқонлар бир сулак ишчилардир. Улар ваъда бердим, ҳар қандай шароитда ҳам сўзларининг устидан чиқиб кетмадилар, бундан кейин ҳам чиқадилар. Бу йилги широн хоразмликлардан бир гайратга ўн гайрат қилиб меҳнат қилишти тақозо этмоқда.

План ва мажбурият масъулиятини жуда яхши ҳис қилмади. Област партия ва совет ташкилотлари ҳар қандай шароитда ҳам қийинчиликларни енгиб, пахта етиштириш юзасидан набууд қилган юксак социалистик мажбуриятини бажарилишини таъминлашга қаратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига қарата қабул қилган Мурожаати ҳаммамиз учун жағворат программа бўлди. Пахта йиғим-теримини шу Мурожаат асосида ташкил этмоқдамиз.

Колхозимизнинг 50-60 центнерчи бригадалари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштиришти, уш маддалик билан йиғим-териб олиш мумкинчилигини ўз тажрибаларида кўрсатишти. Ота Манаричов, Ражаб Отажонов, Ота Одамов ва пахта усталари раҳ-барлигида ишлаган бригадалар ҳозирда 45 центнерлик маррани эгалладилар.

Лекин бу чегара эмас. Пайкалардаги ҳосил чўғини чамалаб чиндик. Ҳосилдор-ликини ёлпасига 50-60 цент-нерга етказишга ҳамма имкониятга эгами. Бунинг учун Мурожаатда таъ-кидланганидек, теримда шон-шароитимиз даркор. Қуянинг ҳар бир кунини, ҳар бир соати ганимат. Уни қўлдан бой бер-санг, кейин қайтариб олол-майсан. Оғина сўстанишнинг, оғина парвосизлик йиғим-те-

римда катта зарар етказиши мумкин. Колхозимизнинг Султон Жуманиёзов, Бекнон Хусайинов бошлиқ бригадалари азаматлари ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳ-нат қилмоқдалар. Ҳар кунини йилнинг планини 1,5-2 про-центи миқдорда пахта тайёр-лашмоқда. Биз суръатини си-ра сувайтирмадикми аҳд қилдик. Бунинг учун терим-чилар, механик ҳайдовчилар орасида мусобақани қуай-тирмоқдамиз.

Айрим кишилар йиғим-те-рим охирида ҳам машиналар-ни тўла қувват билан ишла-тиш мумкинми, деган фикрга боришлари мумкин. Хоразм области шароитида терим охиридаги йўқ, аксинча, эн-ди авжга чиқяпти. Бўлиб ўт-ган ёғингарчилик ва совуқ-лардан кейин кўсақлар ёппа-сига очилиб, меҳнат унум-дорлигини кескин ошириш имкониятини яратди. Қурбон-жон Қўтимова, Зариф Омо-нов ва азамат механикларимиз кунлик машина терими графигини янча оши-риб бажармоқдалар. Айни кезде суртинг юқори бўли-шига алдоҳида эътибор бер-моқдалар.

Бу йилги шароитда пахта жобуларчилигига қарши ку-ралиш бутун чоралар билан қуайтирмоқдамиз. Ҳар дона кўсақ, ҳар бир занондаги пахта ҳисобда, унинг бир грамминини ҳам ноубуд қилиш-га ҳеч кимнинг ҳақини йўқ. Бундан ҳам оғирроқ келган куз фаслларини эслаймиз. Ушайдай кезларда ҳам план ва мажбуриятларини шараф билан бажарганмиз. Бу йил ҳам давлатимиздан пахта қарадор бўлиб қолмаймиз. Колхозимиз бўйича умумий пахта миқдорини 7 минг тон-надан ошириб областимиз-нинг улкан «оқ ости» хир-монига ўзининг салмоқли хиссамизини қўшамиз.

Шу кунларда меҳнатта яроқли кишиларнинг ҳамма-си далаларда йиғим-терим билан банд бўляпти. Улар-нинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларини яратиб берганмиз. Айниқса, кўп болали оналар ҳақида гаххўрлигини қуайтирмиш. Йиллик терим графигини тў-ла ва ошириб бажарган те-римчилар, механик ҳайдовчи-лар рағбатлантирилди.

Зиммамизга олинган юкс-как мажбурият ҳаммамиз-нинг бир жон, бир тан бў-либ астойдил ҳаракат қил-ишимизга, меҳнат интизоми-ни мустаҳкамлашимизга, уюшқоқлик билан ишлайи-мига боғлиқ. Пахта йиғим-теримидан бирорта ҳам киши четда туриши мум-кин эмас. Мурожаатда таъ-кидланганидек, «Ҳосил сизга интизор, азиз дўстлар! Пахта ҳаммани ва ҳар бир кишини муштоқлик билан кутади! Ҳамма теримга!».

Собир ОЛДОВЕРГАНОВ,  
Қўшқўнр районидagi  
Охунбобов номи колхоз  
раиси.



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ, Хатирчи районидagi Керл Маркс номи колхозининг илгор механизатори, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат Белгиси» орденлари кавалери Мирза Ризаев мавсумда 450 тонна пахта териб мажбуриятини олган эди. У маррани эгаллаш учун об-ҳаво қийинчиликларига қарамай терим агрегатини моҳирлик билан ишлатяпти. Суратда илгор механизатори М. Ризаев.

Р. Гафуров фотоси (ЎзТАГ).

## Ўзбекистон қўйбоқарларининг катта меҳнат галабаси

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1978 йилга белгиланган жун харид қилиш умумий ҳажмининг муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга 25 минг тоннадан зиёд, яъни ўтган йилга тайёрлангандан 1,9 минг тонна кўп жун сотилди. Учинчи беш йиллик уч йил топшириш охириги бажарилди. Жами 73,8 минг тонна жун тайёрланди.

Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Хоразм областларининг хўжаликчилари давлат йўли билан жун харид қилиш топширигини муваффақиятли удаладилар. Бухоро области ва Қорақалпоғистон АССР қўйбоқарлари планининг бажарилишига каттагина ҳисса қўшдилар.

Косон, Нишон, Ғузор, Қонимёх, Фориш, Зомин, Қўшра-бот, Нурота, Шўрчи, Бўстонлиқ, Коммунистик, Оҳангарон,

### ВСР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан ва ВКП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, ВСР хукуматиининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикаси партия-хуку-мат делегацияси 10 ноябрь кунини Тошкентдан Ханойга жўнаб кетди.

### 5 700 000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг боршиш тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган

#### МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

ҚАШҚАДАРЕ	0.15	103.10	0.14	98.03
БУХОРО	0.17	102.17	0.34	103.51
НАМАНГАН	0.26	100.03	0.22	106.10
Жиззах	0.38	97.29	—	102.88
Фарғона	0.31	96.55	0.37	98.28
Сурхондарё	0.46	94.82	0.34	95.56
Андижон	0.38	94.74	0.29	101.98
Тошкент	0.44	91.38	0.36	90.14
Самарқанд	0.52	86.68	0.62	94.39
Сирдарё	0.46	82.27	0.23	82.50
Хоразм	0.85	76.33	1.26	85.48
ҚАССР	0.99	62.70	1.07	62.73

Республика бўйича 0.43 91.39 0.42 92.78

#### Шу жумладан нигичка толали пахта

БУХОРО	0.29	101.12
Наманган	0.26	88.72
Қашқадарё	0.22	85.50
Сурхондарё	0.67	83.44

Республика бўйича 0.50 85.68

Дехқонбод, Чуст, Поп, Қўнғирот, Қораўзақ, Қўмқўрғон, Боб-вур, Риштон, Хива, Тошкент, Когон, Пахтаобод, Октябрь рай-онлари ҳамда бошқа бир қанча районларнинг колхозлари, совхозлари ва бошқа хўжаликчилари қўйларининг жунини қир-қичини уюшқоқлик билан ўтказдилар, жун қирқиб олишни кўпайтирдилар ҳамда давлатга жун топшириш планлари ва социалистик мажбуриятларини янча ошириб бажардилар.

Давлатга жун сотиш давом этмоқда.

«Ўзбекирлашув»нинг тайёрлов ташкилотлари жун харид қилиш ва уни қайта ишловчи корхоналарга етказиб беришни яхши йўлга қўйдилар.

Ҳозирги вақтда чорвадорлар ем-хашакдан оқилона фой-даланишни таъминлаш ва чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш соҳасида катта ишларини бажармоқдалар, қўйчилик-ни ҳамда чорвачиликнинг бошқа тармоқларини янада ривож-лантириш, ўзининг беш йиллик топшириқларини муваффақия-тли бажариш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар.

КПСС Марказий Комите-ти Сийсий бюроси аъзолари-га кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзо-лари И. Г. Анисимкин, Л. И. Грёков, И. Р. Қурбанов,

### «ҚўРИҚ»— ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриё-ти Л. И. Брежнев эсда-ликлари учинчи китоби — «Қўриқ»ни ўзбек ти-лида босиб чиқарди. Ки-тоб оммавий тиражда нашр этилди. (ЎзТАГ).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

СССР Олий Совети Пре-зидиуми Тўқтинчи чакри-лик СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси чақрили-ши муносабати билан СССР Олий Совети план-бюджет комиссияларига ва бошқа доимий комиссияларига 1979 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш дав-лат планини, СССРни 1978 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат пла-ни қандай бажарилаётгани-ни, 1979 йилги СССР давлат бюджетининг, шунингдек 1977 йилги СССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқиб, шулар юзасидан СССР Олий Советининг па-латалари учун худосалар тайёрлашни топширди.

Ана шу ҳужжатларни му-ҳокама қилиш тартиби тўғ-рисидаги масала доимий ко-миссиялар раисларининг СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи

## ҚУРИЛИШ САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Республиканинг қурилиш-мон-таж ва лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик материаллари са-ноати корхоналари ва қурилиш индустриясининг коллективла-ри Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги-ни муносабати кутиб олиш учун муваффақиятларга эришдилар.

Шу йилнинг ўн ойи ичида ўтган йилнинг шу даврига нис-батан 16 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди ва 6 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. В. И. Ленин номи Бекобод металлургия комбинатида, Фарғона нефтин

ЎзССР Қурилиш министрлиги	101	103
ЎзССР Ишчилик қурилиш министрлиги	102	104
Ишчилик министрлиги	101	105
«Главташкентстрой»	100	104
ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	106	101
«Узглаводстрой»	107	101
ЎзССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	115	111
«Главредизирсовхозстрой» (ЎзССР территорияси бўйича)	101	104
«Узкохлострой»	105	107

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Озиқ-овқат, Гўшт-сут саноати министрлик-лари, республика Бинокорлик материаллари саноати, Геоло-гия ҳамда Энергетика ва электрлаштириш министрлик-ларининг, «Узподошовснч-пром» бирлашмасининг бев-зи объектларини қуриш-да, шунингдек Маржонбу-лок олтин руда комбинатини, Бекобод металлургия комби-натини, Навоий электрохимия комбинатини, Наманган, Ан-грен, Нукус, Урганч ва Қарши уйсозлик комбинатларини қу-ришда, Гулистон ва Косон «Э-кстрекция» заводларини қу-ришда қоқоқликка йўл қўйил-ди.

Республиканинг ишга туши-рилган қурилишларида энг месъулятли донлар бошланди. Шу йилнинг қолган икки ойи ичида ишлаб чиқариш ва со-циал аҳамиятдаги қўдан-кўп объектларини фойдаланишга топшириш зарур.

Бунинг учун қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари зарур куч ва воси-таларни мана шу объектларда жамлашлари, бююртмачи ми-нистрлик ва идоралар эса иш-га тушириладиган ҳамма об-ектларини машина-ускуна ва махсус материаллар билан комплекташни яқин кунлар ичида тугатишлари, ишга туши-риш-созлаш ишларини жа-дал суръатлар билан олиб бо-ришлари керак. Объектлар ишлатувчи ходим кадрлар би-лан тўла-тўқис комплектамон-го лозим.

Област, шаҳар, район пар-тия комитетлари, қурилиш ра-йон партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Уртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узбек Шаҳар районлари, шу-нингдек Минск ва Бону шаҳар-ларида қилган сафарлари ва-қтида сузлаган нутқларида ай-тиб берган йўл-йўриқлар асосида партия тасъири ва контрол-ининг ҳамма шаклларидан фой-даланган ҳолда объектларни фойдаланишга топшириш, қу-рилиш ишлари самардорлиги ва сифатини бутун социалистик ишлар охириш учун социалистик мусобақача бошчилик қилиш-лари, қурувчилар ва монтажчи-лар олдида турган вакиллар и-шлар олдида уларга керакли ёрдам ва мадад қўрсатишлар-и зарур.

## ШОЛИДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Сирдарё областининг шол-и-кор хўжаликчиларида етиштирил-ган ҳосилни янги-териб олиш ишлари нидоҳисга етказилди. Урим-йиғим ишлари қизгин пайтларда шолкор хўжалик-ларда 100 дан ортқ қолбайя унумли ишлаб турди. Област шолкорлари 5 минг 87 гектар ерда юқори ҳосил етиштириб, гектар бошига ўрта ҳисобда 38,8 центнердан хирмон кўта-ришга муваффақ бўлдилар. Во-рошилов районда эса ҳосил-дорлик 39 центнерданга ети-казилди. Сирдарё районидagi «Шолкор», Ворошилов райо-нидаги «СССР 50 йиллиги» совхозларидаги кўпгина бри-гадаларда бу йил гектардан 45—50 центнердан ҳам охи-рини бошлаб юбордилар.

Област шолкорлари етиш-тирилган ҳосилни ўриб-яичиб давлатга топшириш билан бир-га, келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин яратиш ишлар-ини бошлаб юбордилар. А. УМАРОВ,  
«Совет Ўзбекистони» му-бири.

## СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



КПСС Марказий Комите-ти ва СССР Министрлар Со-ветининг қарорига биноан Втуунитифоқ социалистик мусобақаси илгорларига меҳ-натдаги жуда катта ютуқ-лари учун 1978 йилги СССР Давлат мукофотлари берил-ди. Суратларда: 1. Ҳ. САИ-ДОВ — Хоразм области, Бо-рот районидagi Нариманов номи колхоз бригадасининг бошлиғи; 2. Ж. ҚўШОҚОВ — Самар-қанд область, Иштихон райо-нидаги Навоий номи колхоз макжаҳуоркорлар брига-дасининг бошлиғи. 3. Ю. МАХМУДЖОНОВ — Тош-кент тажриба ремонт-механик заводи тоқари; 4. З. И. ПОВЕДИНСКАЯ — СССР 50 йиллиги номи қийин эрий-диган ва ўтга чидамли ме-таллар Ўзбекистон комби-натининг волочильниги; 5. И. Х. ОРИПОВ — Тошкент

1-уйсозлик комбинати йири-панаели 1-уйсозлик заводи бетончилар бригадари. (ЎзТАГ фотохроникаси).





